

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН

Саломова Барчиной Журакуловна

Тошкент шаҳар 301-сонли мактаб ўқитувчиси
Ўзбекистон, Тошкент.

Аннотация: Кенг манбалар ва адабиётлар асосида ушбу мақолада Ўзбекистонда журналист аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти масаласи ёритилган. Ўзбек аёллар журналистикасига асос солган ўз замонасининг етакчи журналист ва ёзувчилари — Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Икбол Акбархужаева, Ойдин, Зулфия ва Халима Худойбердиевалар раҳбарлигида Ўзбекистонда даврий нашрлар ривожи ва шаклланиши билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган. Шу билан бирга, мақолада ушбу минтақада аёллар матбуотини шакллантиришда ўз ҳиссасини қўшган татар муаллималари — Камилла Музффария ва Фотима Макаевалар фаолияти ҳақида ҳам сўз боради. Шунингдек, биринчи ўзбек аёллар журнали — «Саодат» журнали мавзусига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: Даврий нашрлар, аёллар журналистикаси, «Саодат», «Гулчехралар», журнал, ОАВ.

ИЗ ИСТОРИИ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЖЕНЩИН-ЖУРНАЛИСТОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: Основываясь на широком спектре источников и литературы, в статье освещается вопрос становления и развития женской журналистики в Узбекистане. Рассматриваются проблемы становления и развития периодических изданий в Узбекистане под руководством ведущих журналистов и писательниц своего времени, заложивших основы узбекской женской журналистики, таких как Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият

Тиллахонова, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Икбол Акбархужаева, Ойдин, Зульфия и Халима Худойбердиевы. Наряду с ними в статье рассказывается о таких татарских учителях, как Камилла Музффария и Фатима Макаева, которые также основали женскую прессу в крае. А также раскрывается тематика первого узбекского женского журнала – «Саодат».

Ключевые слова: Периодическая печать, женская журналистика, «Саодат», «Гулчехралар», журнал, СМИ.

FROM THE HISTORY OF THE SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF WOMEN JOURNALISTS IN UZBEKISTAN

Abstract: Based on a wide range of sources and literature, the article highlights the issue of the formation and development of women's journalism in Uzbekistan. The problems of the formation and development of periodicals in Uzbekistan under the leadership of leading journalists and writers of their time, who laid the foundations of Uzbek women's journalism, such as Tozhikhon Shodieva, Sobira Holdor, Khosiyat Tillakhonova, Saodat Shamsieva, Fotima Niezova, Ikbol Akbarkhuzhayeva, Oidin, Zulfiya and Halima Khudoiberdiyev, are considered. Along with them, the article talks about such Tatar teachers as Kamilla Muzaffaria and Fatima Makayeva, who also founded a women's press in the region. And also reveals the theme of the first Uzbek women's magazine – «Saodat».

Keywords: Periodical press, women's journalism, «Saodat», «Gulchehralar», magazine, mass media.

Бугунги глобаллашув асрида жаҳон ягона ахборот майдонига айланди. Мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказилиши информациини барчанинг мулкига ҳамда стратегик ресурсига айланишига имкон берди. Шунингдек, ахборот макони ва оммавий ахборот воситалари сиёсий ва

геосиёсий вазифаларини ҳал қилишда “куч ишлатиш йўли” билан эмас, балки муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш имконини яратди. Бинобарин, ахборот эркинлиги тамойилларини илгари суриш, минтақаларда ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳолатига баҳо бериш, журналистлар эркинлиги ва мустақиллигига қилинаётган тажовузларнинг олдини олиш, фикр ва ифода эркинлиги БМТ инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 19-моддасида мустаҳкамланган. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йилда **ЮНЕСКО** Бош конференциясининг 26-сессияси тавсияси билан “Жаҳон матбуот эркинлиги куни” деб эълон қилиниши эса бу борадаги амалий қадам бўлиб қолди [1].

Дунё миқёсида миллий босма нашрлар, матбуотнинг ҳалқ хўжалигини кўтаришдаги ўрни, матбуотнинг материал-техник базаси ва унда кадрлар масаласи, даврий матбуот ва унинг турларини, босма ишларида авторитар концепциянинг шаклланиши, совет давлати инқирозидан сўнг мустақил давлатларда матбуот ва нашр ишларининг йўналишлари ҳамда унинг даврлаштириш масалалари каби кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг, матбуотнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилди. Соҳанинг қонунчилик базаси мукаммал шаклланди. Айни пайтда Ўзбекистон мустақил босма, ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб - қувватлаш ҳамда ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди. Янги Ўзбекистонда “оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш” вазифаларининг белгилаб берилиши электрон оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахоналар сони кўпайиб боришига имкон берди. Шак-шубҳасиз, газета ва журналлар нафақат оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши, балки жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга. Бунинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, аёллар матбуотнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихини тадқиқ этиш тадқиқотнинг фан соҳасидаги долзарблигини белгилайди.

Үлкамизда аёллар матбуоти шакланиши ва ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлардан татар муаллимаси Комила Музаффариядир. У ёшлигидан билим олишга қизиқсан бўлиб, Уфадаги қизлар мактабида таълим олган. Уни илмга бўлган қизиқиши кучлилигидан ўзи мустақил равишда рус тили ва диний билимларни ўрганган. Комила Музаффария ўз фаолиятини Уфа шаҳридаги З-сонли маҳсус қизлар мактабида бошлаб, унда тўрт йил ишлаган. 1909 йилда Зариф Музаффарий билан турмуш қургандан кейин икковлари турли мактабларда ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиб келишган. 1911 йили улар Туркистонга келиб, Кўқондаги қиз ва ўғил болалар мактабларида фаолиятларини давом эттиришган. Муалима Комила Музаффария хуштабиат, камгап, юмшоқ кўнгил аёл бўлиб, ўз касбини чин дилдан севиб ардоқлаб келган. У мактабга доим эрта келиб, шогирдларига муаммоли масалаларни ҳал этишда кўмаклашиб, юзага келган келишмовчиликларни тезда бартараф этиб, ўқувчиларга илмни меҳр билан ўргатган. Комила Музаффария ажойиб овоз соҳибаси ҳам бўлиб, миллий куйлардан ўқувчиларга сабоқ бериб келган. У бўш вақтларини китоблар мутолаа қилиш ҳамда матбуотга мақолалар ёзиш билан ўтказар, “Эл” номли газета мухбири, шу билан бирга “Суюм бека” журналининг таъсис этилиши ва кейинги фаолиятининг давом этишида жонбозлик қўрсатган муаллифлардан ҳисобланганлиги ўз тадқиқотларида проф. А.Расулов ҳам таъкидлаганлар. Татар маърифатпарвар аёллари томонидан бундай ишларнинг олиб борилиши ўлкада ноширлик ишларининг жонланишига туртки бўлган. Кейинчалик эса журналистика соҳасининг билимдонлари бўлган дастлабки маҳаллий мухбир аёлларининг этишиб чиқишига туртки бўлган дейиш мумкин[2]. Шу билан бирга И.Ибрат билан биргаликда ўз фаолиятини олиб борган Хусайн Макаевнинг аёли Фотима Макаева Намангандада ўзбек тилидаги илк газета “Фарғона сахифаси” ҳаётида фаол иштирок этганлар [3].

XX асрнинг 20-30 йиллари ижод қилган журналист аёллардан Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосият Тиллахонова, Ойдин Собирова, Саодат Шамсиева, Фотима Ниёзова, Иқболхон Акбархўжаева, Музайяна Алавияларни

алоҳида эътироф этишимиз лозим. Улар Ўзбекистонда аёллар журналистикаси фаъолияти йўлга қўйилишида, илк аёллар журнали ҳаётида катта ўрин эгаллаганлар.

Шу ўринда, Ўзбекистон хотин-қизларининг оммабоп, ижтимоий-сиёсий, бадиий-безакли журнали бўлмиш Саодат журнали ҳақида сўз юритсан. Шу ўринда, Тошкент шаҳрида 1 йилда 8 марта нашр қилинадиган ушбу журнал, дастлаб “Янги йўл” (1925-1934 йй.), “Ёрқин турмуш” (1936-1950 йй.), “Ўзбекистон хотин-қизлари” (1950-1965 йй.) номлари билан чоп этилган. Муайян сабаблар ва уруш туфайли журнал 1934-йил апрелдан 1936-йил июлгача, 1941-йил июлдан 1950-йил октябргача нашр этилмаган. 1966-йилдан хозирги номда. Журналга турли йилларда Ўзбекистоннинг таникли адабалари — жамоат арбоблари муҳаррирлик қилган: Тожихон Шодиева (1927-1929 йй.), Собира Холдорова (1930 – 1931 йй.), Хосият Тиллахонова (1931-1934 йй.), Саодат Шамсиева (1936-1937 йй.), Фотима Ниёзова (1937-1938 йй.), Иқбол Акбархужаева (1939-1941 йй.), Ойдин (М. Собирова, 1951–1953 йй.), Зулфия (1953–1985 йй.) ва Ҳалима Худойбердиева (1985-1994 йй.) [4].

Ўтган барча даврларда журнал ўзбек аёлининг оилада назокатли, севимли, фарзандларига меҳрибон бўлиши, турмуш мashaққатларини енгиб ўтиб, жамиятда ҳам ўз урнини топишига кўмақдош бўлиб келган. Жуда куп ёш шоира, адабаларнинг ижодкор сифатида шаклланиши учун мактаб вазифасини ўтаган. Ҳ.Аҳророва, С.Махмудова, Р.Шомансурова, Ҳ.Худойбердиева, О. Ҳожиева, Ш.Салимова, Р.Раҳмонова, М.Улуғова, Қ.Раҳимбоева, Д. Сайдова, Ҳ. Бобомуродова ва бошқа ижодкорлар [5].

“Саодат” мактабининг турли даврлардаги талабалари бўлиб, бугун О‘збекистонда таникли ижодкорлар сифатида фаолият курсатиб, “Саодат” тажрибаларини тарғ‘иб қилмоқдалар.

Республика мустақиллиги йилларида “Саодат” аёл қалбининг минбари, миллий қадриятларнинг тарғиботчиси, хотин-қизларни кенг ижтимоий фаолиятга чорловчи оммабоп журнал сифатида тикланаётган миллат

аёлларининг ўзини озод инсон сифатида қайта кашф этиши, имкониятларини намоён қилишига руҳий мададкор вазифасини бажармоқда. Унда ўзбек аёлларининг турмуш тарзи, уй тутиши, саломатлиги, бола тарбияси, маданий миший эҳтиёжлари ва бошқа масалалар ёритилиши билан бирга ўзбек маданий мероси ва миллий қадриятларидан, жаҳон адабиётидан, ёш ижодкор қизларнинг асарларидан намуналар, дунёning машҳур хотин-қизлари ҳаётидан қизиқарли лавҳалар бериб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алиназарова Д.В. Первая журналист-женщина / “Ўзбекистон хотин-қизларининг жамият ва оила мустаҳкамлигини таъминлашда тутган ўрни: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2012 йил 3 декабр). – Карши, 2012. – Б. 117-118.
2. Шодмонова С. Туркестон тарихи - матбуот кўзгусида. – Тошкент: Yangi nashr, 2011;
3. Расулов А. Исокбоев А. Туркестон ижтимоий-сиёсий, маданий хаётида татарлар. – Тошкент: Turon-iqbol, 2019.
4. Расулов А.Н., Исокбоев А.А. Татарское просветительство и система национального образования в Туркестане (конец XIX – начало XX вв.) // Историческая этнология. – Москва, 2020. Т. V. – № 1.
5. Шадманова С.Б. Фарғона вилояти матбуоти: вужудга келиши, йўналиши ва фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги IV Республика илмий-назарий анжумани материаллари (Фарғона, 2017 йил 25 май). – Фарғона, 2017;
6. Шадманова С. Архивные документы – важный источник изучения истории периодической печати Туркестана. По материалам Центрального государственного архива Республики Узбекистан // Вестник архивиста. – Москва, 2009.